

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.08/2025.27.12.Qx.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АХТАМОВ МИРЖАЛОЛ АХТАМ ЎҒЛИ**

**ШОЛИ ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СТРЕСС ОМИЛЛАРГА  
БАРДОШЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРДАН АМАЛИЙ  
СЕЛЕКЦИЯДА ФОЙДАЛАНИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2026**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of  
agricultural sciences**

**Ахтамов Миржалол Ахтам ўғли**

Шоли генотипларининг стресс омилларга бардошлилигини ўрганиш ва улардан амалий селекцияда фойдаланиш.....3

**Ахтамов Миржалол Ахтам угли**

Изучение устойчивости генотипов риса к стрессовым факторам и использование их в практической селекции.....21

**Akhtamov Mirjalol Akhtam ugli**

Study of the resistance of rice genotypes to stress factors and their use in practical breeding.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published papers.....43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.08/2025.27.12.Qx.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АХТАМОВ МИРЖАЛОЛ АХТАМ ЎҒЛИ**

**ШОЛИ ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СТРЕСС ОМИЛЛАРГА  
БАРДОШЛИЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРДАН АМАЛИЙ  
СЕЛЕКЦИЯДА ФОЙДАЛАНИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1186 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ШОличилиқ илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб- саҳифасида ([www.psuyaiti.uz](http://www.psuyaiti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Муҳаммаджон Араббоевич**  
қишлоқ хўжалиғи фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Курбонов Абдоржон Ёркинович**  
қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори, катта илмий ходим

**Уразметов Қахрамон Каримбаевич**  
қишлоқ хўжалиғи фанлари фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.08/2025.27.12.Qx.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ дағи мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент. Университет кучаси, 1-уй. Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru); Пахта селекцияси, уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Бош биноси, 3-кават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кучаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиғи ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел.: (99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2026 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дағи \_\_ рақамли реестр баённомаси )

**Ш.Э.Намазов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., академик

**М.Б.Халикова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор

**С-А.Раҳмонкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидағи илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор, ЎзРҚХА мухбир аъзоси

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Шоли экини ер юзидаги энг қадимги экинлардан бири бўлиб, дунё аҳолисининг учдан бир қисми учун асосий озуқа манбаи ҳисобланади ва тропик минтақада келиб чиқишига қарамай, мўътадил ҳудудларда кенг тарқалган. 2024 йилда дунё бўйича 158,8 млн. гектар майдонда шоли экилиб, 742,5 млн. тонна дон ҳосили етиштирилган, жумладан, “Хитойда – 30,5 млн. гектарда, 214,4 млн тонна, ўртача ҳосилдорлик 71,1 ц/га, Ҳиндистонда – 46,3 млн гектарда, 195,4 млн тонна, Бангладешда 11,7 млн гектарда, 56,9 млн тонна, Индонезияда 10,4 млн гектарда, 54,4 млн тонна, Вьетнамда 7,7 млн гектарда, 43,8 млн. тонна, Таиланда 11,2 млн гектарда, 33,5 млн тонна, Мянмада 6,5 млн гектарда, 24,9 млн. тонна, Филиппинда 4,8 млн гектарда, 19,9 млн тонна, Покистонда 3,5 млн гектарда, 13,9 млн тонна, Бразилияда 1,6 млн гектарда, 11,6 млн тонна шоли ҳосили етиштирилган”<sup>1</sup>. Шолининг селекция, шунингдек, ташқи стресс омилларга бардошли тезпишар, серҳосил, доннинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларни яратиш ва дурагай тизмаларни баҳолаш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Дунёда глобал иқлим ўзгариши натижасида шоли етиштирувчи мамлакатларда шолининг турли абиотик омилларга чидамли навларини яратиш орқали дон ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шоли генотипларининг шўрланиш ва паст ҳароратларга чидамлилигини баҳолаш, шунингдек, чидамли навларни яратиш учун шоли генофондини ўрганиш, молекуляр генетик таҳлил, анъанавий ва биотехнологик усуллардан фойдаланилмоқда.

Республикамизда шолчилик соҳасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида қисқа муддат ичида шолчилик соҳасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Ҳозирги пайтда ўрта ва юқори даражадаги сульфатли ҳамда хлорли шўрланишга, шоли ўсимлигини униб чиқиш фазасидаги паст ҳароратга чидамли, юқори ҳосил берадиган эртапишар шоли навларини яратиш бўйича Илмий-тадқиқотларни олиб бориш ва юқоридаги хусусиятларга эга янги шоли навларини яратиш бўйича селекция ишларини олиб бориш ҳозирги вақтда зарурият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 2-февралдаги ПҚ-4973 сонли<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шоли етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2024-йил 15-августдаги ПҚ-290-сонли<sup>4</sup> қарорлари, “Ўзбекистон-

<sup>1</sup><https://ru.atlasbig.com/strany-po-proizvodstvu-risa>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4567334>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/5258722>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/uz/docs/7070282>

2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 4 мартдаги ПҚ-109-сонли<sup>1</sup>, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳолисини гуруч маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2025-йил 2 июлдаги 410-сонли<sup>2</sup> қарорлари ҳамда ушбу соҳага тааллуқли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда шолининг ҳар хил турларини турли усулларда чапиштиришлар натижасида биотик ва абиотик омилларга бардошли, тезпишар, шўрланишга, шולי ўсимлигини униб чиқиш фазасидаги паст ҳароратга чидамли, юқори ҳосил берадиган эртапишар шולי навларини яратиш бўйича, дурагай авлодлар генотиби, хусусиятлари, қимматли-хўжалик белгилари бўйича танлаш ва дурагайлаш услуги самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, Гаркуша С.В., Харитонов Е.М., Гончарова Ю.К., Ладатко Н.А., Ковалев В.С., М.А. Скаженник, Малышева Н.Н., Дюзба В.А., Костылев П. И., Waziri A., Kumar P., Purty R.S., Kawasaki S., Hien Thi Thu Vu, Abdelbagi Ismail, Waseem Hussain, Jauhar Ali, Jian Zhang ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар бажарилган.

Республикада яратилган, рақобатбардош, серҳосил шולי навларини шўрланишга чидамлилигини ўрганиш бўйича Н.И.Косарев, Е.И.Свежакова П.А.Пулина, С.Рихсиева, Т.Е.Исхақов, Т.Бобониязов, Т.Асилов, М.Е.Саидахмедова, У.Абилаев, Б.Керимкулова, Х.А.Бараевлар томонидан фақат селекцион навлар яратиш йўналишида қисман тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, шолини паст ҳароратга чидамлилигини баҳолаш бўйича қисқа муддатли тадқиқотлар 1980 йиллар бошларида институтнинг физиология ва биокимё лабораториясида амалга оширилган.

Республикада шолининг шўрга, паст ҳароратга чидамли ота-она шакллари танлаш, чапиштириш ҳамда улардан янги навлар яратиш селекциянинг долзарб масалалари бўлиб ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги.** Диссертация иши Шолчилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ALM-2021202332 “Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитларида шолининг юқори ҳосилли хорижий навларини синаш ва маҳаллий шароитларда уруғларини кўпайтириш” (2021-2022 йй) амалий лойиҳаси, Жанубий Кореянинг AFACI ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган “Ўзбекистон шароитига мос юқори ҳосилли, стресс омилларига бардошли янги

---

<sup>1</sup> <https://lex.uz/en/docs/6854841>

шоли навларини яратиш” (2022-2024 йй) мавзусидаги лойиҳаси ва AL-5921122079 “Хитой ва Ўзбекистон элита генетик ресурсларидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри экиш учун қулай шоли етиштиришнинг генетик асосларини ўрганиш ва ривожлантириш” (2023–2025 йй) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Шоли нав намуналарини ўрта даражада тупроқ шўрланишига ва униб чиқиш фазасида ҳавонинг паст ҳароратига чидамлилигини баҳолаш ҳамда стресс омилларга чидамли қимматли-хўжалик белгиларига эга шоли навларни яратиш учун бошланғич манбаларни танлаб олиш ва улардан селекцияда фойдаланиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лаборатория шароитида шоли нав намуналарининг униб чиқиш даврида паст ҳарорат ( $15^{\circ}\text{C}$ ) ва майсалаш фазасида шўрга чидамлилигини баҳолаш ва танлаш;

лаборатория шароитидаги танлаб олинган майсалаш фазасида шўрга чидамли нав намуналарни табиий шўр муҳитида синаш ва танлаш;

ҳар иккала стресс омилларига бардошли сифатида танлаб олинган нав намуналар ўртасида чатиштиришларни амалга ошириш;

чатиштиришлардан олинган  $F_2$ - $F_3$  авлод бўғинларнинг стресс омилларга чидамлилигини скрининг қилиш;

$F_1$ - $F_3$  бўғинларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш;

ДНК маркерлар ёрдамида шолининг нав намуналарини паст ҳароратга чидамлилик белгиларини ассоциацион хариталаш;

олиб борилган лаборатория ва дала натижаларига кўра паст ҳароратда униб чиқиш ва шўрга чидамлилиги энг юқори бўлиб танлаб олинган, қимматли-хўжалик белгилари ўзгармас (констант) ҳолатга келган нав намуналарни экологик синаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли эколого-географик гуруҳларга мансуб бўлган 500 дан ортиқ жаҳон коллекцияси, Шоличилик илмий-тадқиқот институти селекция ва дурагай намуналари ҳамда маҳаллий шоли навлари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ушбу нав намуналарнинг турли хил стресс омилларга чидамлилиги, қимматли-хўжалик белгилари ўрганиш ва энг яхши натижалар кўрсатган нав намуналарни танлаб олиш ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари.**

Дала тажрибаларини олиб бориш, фенологик кузатувлар, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва лаборатория таҳлиллари В. А. Дзюба услуги, биометрик таҳлиллар эса «Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш давлат комиссиясининг услуги», олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили Б.А.Доспехов услуги ҳамда генотиплаш Reddy услуги бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор шолининг жаҳон генофондидан олинган ва интродукция қилинган нав намуналарининг ҳар хил экологик-географик гуруҳлари асосий белги ва

хусусиятлари бўйича паст ҳароратда униб чиқиш ва шўрга чидамлилиги баҳоланган;

шолида паст ҳароратга чидамлилик ва ҳосилдорлик ўртасида кучли ижобий боғлиқлик ( $r = 0,71$ ), шўр муҳитда майса бўйи ва илдиз узунлиги ўртасида ўртача боғлиқлик ( $r = 0,4991$ ) қайд этилиб, бу чидамлилик белгисининг илдиз системаси ривожланиши билан узвий боғлиқлиги исботланган;

табиий шўр шароитда ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, маҳсулдор тупланиш, ўсув даври, эрта вегетатив ривожланиш, гуллаш-пишиш даврларида шўрга чидамлилик, 1000 дона дон вазни ва ҳосилдорлик каби кўрсаткичлар асосида нав намуналардан селекцион-генетик илмий тадқиқотларда маркёр сифатида фойдаланиш имконияти аниқланган;

амалга оширилган ассоциатив хариталаш натижасида TASSEL дастурининг GLM ва MLM моделлари орқали паст ҳароратда унувчанлик коэффиценти (LTG\_Gr) билан ишончли боғланган 7 та SSR маркерлар танлаб олиниб, ушбу маркерлар фенотипик ўзгарувчанликнинг 23–56 % қисмини изоҳлаб бериши ва ушбу локусларни QTL сифатида селекция жараёнларида қўллаш мумкинлиги аниқланган;

SSR микросателлит маркерлар ёрдамида шоли нав намуналари ўртасидаги генетик полиморфизм баҳоланиб, юқори даражада генетик хилма-хиллик мавжудлиги аниқланган ва STRUCTURE дастурида ўтказилган популяцион таҳлиллар натижасида тадқиқот намуналари асосан 2–3 та субпопуляцияга ажралиши кузатилиб, бу орқали генетик структуранинг нисбатан мураккаб эканлиги тасдиқланган;

биоинформатик таҳлиллар натижасида COLD1, OsDREB1C, OsICE1, OsMYB3R-2, OsP5CS, OsLEA3, OsGSTL2 ва CAMTA генларининг паст ҳароратга чидамликда муҳим рол ўйнаши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотларда шўрга чидамли К-106 (5967 х Ўзбек-5), С-9 (Нукус-2 х IR 147-F<sub>7</sub>), С-5 (Искандар х IR 17-F<sub>7</sub>), К-88 (Worin-22), К-100 (139-Afg'on -1), К-142 (1957-82), К-91 (К-1-1), К-97 (D 222), К-90 (Owori mokri), К-129 (IR 79913-13-20-2), К-130 (IR 805-088-194-1) нав намуналари ва паст ҳароратга чидамли К-341 (D-80), К-191 (WAB 880-138-18), С-14 (Mustaqillik х Worin 22-F<sub>8</sub>), С-13 (Lazurniy х IR 141-F<sub>8</sub>), К-18(D-122), К-87 (Wongrim-43), К-187 (WAB 450 -11-1), К-37 (K-00412), С-16(UzRos 7-13 х Admiral-F<sub>7</sub>), С-11 (Ahmad sholi х IR14632–2–3- F<sub>7</sub>), С-7 (Guljahon х NR-10239-20-2-2-1-F<sub>7</sub>) нав намуналари яратилган;

Бу нав намуналари шўрга ва паст ҳароратга чидамли навлар яратишда бирламчи манбаа сифатида юқори қимматга эга бўлиб, генеофондни бойитиш, шоли намуналари генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич манба сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган Тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг мувофиқлиги, дала тажрибаларининг ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги ва илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама қилинганлиги, олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққосланганлиги, тадқиқот

натижаларининг математик-статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан исботланган.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шолининг паст ҳароратга ва шўрга чидамли навуналарни ажратиш олиш, табиий шўр шароитда эрта вегетатив ривожланиш, гуллаш-пишиш даврида шўрга чидамлик, ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, маҳсулдор тупланиш, ўсув даври, 1000 дона дон вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари асосида навуналардан селекцион-генетик Илмий-тадқиқотларда маркёр сифатида фойдаланиш, паст ҳароратга чидамлик белгиларини молекуляр-генетик даражада ўрганилганлиги, ассоциацион хариталанганлиги, маркерлар орқали генетик полиморфизм, паст ҳароратга чидамлик билан боғлиқ асосий генлар биоинформатик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган изланишлар натижасида шолининг шўрга ва паст ҳароратга чидамли, ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, маҳсулдор тупланиш, ўсув даври, 1000 дона дон вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори янги тизмалари ва навлари яратилганлиги, селекция жараёнига ва амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шоли навуналарини ўртача даражада тупроқ шўрланишига ва униб чиқиш фазасида ҳавонинг паст ҳароратига чидамлигини баҳолаш ҳамда мураккаб стресс омилларга чидамли қимматли-хўжалик белгиларига эга шоли навларни яратишда бошланғич манбаларни танлаш мавзусида олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида:

ўрганилган шоли навуналарни асосида эрта вегетатив ривожланиш, гуллаш, тўла пишиш давларида шўрга чидамли, эрта-ўртапишар, ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, маҳсулдор тупланиш, 1000 дона дон вазни, ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича назорат навларидан юқори бўлган К-106 (5967 x O'zbek-5), С-9 (Nukus-2 x IR 147-F<sub>7</sub>), С-5 (Iskandar x IR 17-F<sub>7</sub>), К-88 (Worin-22), К-100 (139-Afg'on -1), К-142 (1957-82), К-91 (К-1-1), К-97 (D 222), К-90 (Owori mokri), К-129 (IR 79913-13-20-2), К-130 (IR 805-088-194-1) навуналар ва тизмалар яратилиб, Хоразм вилояти Гурлан туманида жойлашган Шоличилик ИТИнинг Хоразм филиалида 0,30 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 28-январдаги №05/05-03-36-сон маълумотномаси). Натижада, шоли генофонди ўсимлик бўйи 114,7-138,0 см, рўвак узунлиги 20,1-28,3 см, маҳсулдор тупланиши 2,0-3,0 дона, 1000 дона дон вазни 24,0-33,2 г ва ҳосилдорлиги 5,6-6,5 т/га бўлган юқори иқтисодий самарадорликка эга бошланғич ашёлар билан бойитилган;

яратилган турли қимматли-хўжалик белгиларига эга униб чиқиш даврида паст ҳароратга чидамли К-341 (Д-80), К-191 (WAB 880-138-18), С-14 (Mustaqillik x Worin 22-F<sub>8</sub>), С-13 (Lazurniy x IR 141-F<sub>8</sub>), К-18(D-122), К-87 (Wongrim-43), К-187 (WAB 450 -11-1), К-37 (К-00412), С-16(UzRos 7-13 x Admiral-F<sub>7</sub>), С-11 (Ahmad sholi x IR14632-2-3-F<sub>7</sub>), С-7 (Guljahon x NR-10239-20-2-2-1-F<sub>7</sub>) каби навуналар ва тизмалар Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида Шоличилик

ИТИнинг Шоли генетикаси ва селекцияси лабораторияси тажриба даласида 0,50 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 28-январдаги №05/05-03-36-сон маълумотномаси). Натижада, шоли генофонди ўртапишар, ўсимлик бўйи 116,5-157,5 см, маҳсулдор тупланиши 2,3-3,3 дона, рўвак узунлиги 18,7-27,7 см, 1000 дона дон вазни 27,2-36,6 г ва ҳосилдорлиги 6,9-8,8 т/га бўлган юқори иқтисодий самарадорликка эга бошланғич ашёлар билан бойитилган ва ва ушбу нав намуналарни селекцион-генетик изланишларда маркёр сифатида фойдаланиш имконияти яратилган;

тадқиқотлар натижасида яратилган 11 та шўрга чидамли (К-106 (5967xO‘zbek-5), С-9 (Nukus-2 x IR 147-F<sub>7</sub>), С-5 (Iskandar x IR 17-F<sub>7</sub>), К-88 (Worin-22), К-100 (139-Afg‘on -1), К-142 (1957-82), К-91 (К-1-1), К-97 (D 222), К-90 (Owori mokri), К-129 (IR 79913-13-20-2), К-130 (IR 805-088-194-1)) ва 11 та паст ҳароратга чидамли (К-341 (Д-80), К-191 (WAB 880-138-18), С-14 (Mustaqillik x Worin 22-F<sub>8</sub>), С-13 (Lazurniy x IR 141-F<sub>8</sub>), К-18(D-122), К-87 (Wongrim-43), К-187 (WAB 450 -11-1), К-37 (К-00412), С-16(UzRos 7-13 x Admiral-F<sub>7</sub>), С-11 (Ahmad sholi x IR14632-2-3- F<sub>7</sub>), С-7 (Guljahon x NR-10239-20-2-2-1-F<sub>7</sub>)) нав намуналар ва тизмалар қишлоқ хўжалик экинлари Миллий генбанки генефондига топширилган ва амалий селекцияда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 28-январдаги №05/05-03-36-сон маълумотномаси). Натижада, ҳозирги ва келажак авлод учун кафолатли сақлаш мақсадида топширилган ушбу шоли нав намуналари ва тизмалари генетик-селекцион тадқиқотларда бошланғич манба сифатида фойдаланишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари 5 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 саҳифани ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган. Диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараккиёгининг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг

амалиётга жорий этилиши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шолини стресс омилларга бардошлилигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар таҳлиллари”** деб номланган биринчи бобида шолининг шўр ва паст ҳарорат стресс омилларининг шоли ўсимлигига таъсир қилиш механизмлари, шоли ўсимлигида стресс омилларига чидамлилиқни морфо-физиологик ва генетик жиҳатдан ўрганиш ҳамда шу асосда янги шоли навларини яратиш бўйича ҳорижий илмий тадқиқот муассасаларида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг таҳлиллари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи тавсифи, тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари ва бошланғич манбалар”** деб номланган иккинчи бобида илмий тадқиқотлар олиб борилган жойлари тавсифи, тупроқ ва иқлим шароитлари, қўлланилган агротехник тадбирлар, лаборатория ва дала тажрибаларини амалга оширишда фойдаланилган тадқиқот услублари ҳамда илмий изланишлардан олинган селекцион ва генетик натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган усуллар баён этилган.

Диссертациянинг **“Шоли нав-намуналарининг униб чиқишда паст ҳарорат ва майсалаш фазасида шўрга чидамлилигини ўрганиш”** деб номланган учинчи бобида илмий тадқиқотларда фойдаланилган шоли коллекцияси ва селекцияси нав-намуналарининг униб чиқиш даврида паст ҳарорат (15°C) ва майсалаш фазасида шўрга чидамлилигини баҳолаш бўйича олиб борилган лаборатория ва дала тажриба синовлари натижалари ёритилган.

Ушбу бобнинг биринчи қисмида униб чиқиш даврида паст ҳарорат (15°C)га чидамлилиқ бўйича ўтказилган лаборатория тадқиқотларида иштирок этган назорат навларининг кунлик униб чиқиш кўрсаткичлари ўзаро солиштириб ўрганилган.

Олинган натижаларга кўра, паст ҳароратда униб чиқиш бўйича лаборатория тадқиқотларида фойдаланилган назорат навлари орасида Искандар ва Мустақиллик навларида юқори униб чиқиш кўрсаткичи қайд этилиб, Тарона ўртача даражада, Лазурний эса энг паст кўрсаткичга эга бўлганлиги қайд этилган.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида жами 270 дона шоли коллекцияси ва селекцияси нав ва намуналарининг униб чиқиш фазада паст ҳарорат (15°C)га чидамлилиқ кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, танлаб олинган нав намуналардан кам сонли нав ва намуналар назорат Искандар нави сингари 3-инкубация куни (ИК)дан униб чиқишни бошлаб, бутун инкубация даври давомида коллекция шоли нав ва намуналари орасида униб чиқиш кўрсаткичи хилма-хил бўлганлиги кузатилган. Хусусан, 4-ИКда, паст ҳароратда униб чиқиш кўрсаткичи 57 дона нав-намуналарда 50% гача бўлган бўлса, 5-ИКга келиб, бу кўрсаткич 102 дона нав-намуналарда 50% гача ташкил этганлиги аниқланган. Шунингдек, 4- ва 5-ИКларда уруғлари умуман унмаган ва униб чиқиш кўрсаткичи 10% дан паст бўлган нав ва намуналар сони мос равишда 213 ва 168 доналарни ташкил этганлиги кузатилган. 6- ИКда униб чиқиш кўрсаткичи 109 нав-намуналарда 10-

50 %, 25 нав-намуналарда 50-100 % оралиғида бўлгани ҳолда, 3 дона нав-намуналарнинг паст ҳароратда униб чиқиш кўрсаткичи 90% дан ошганлиги аниқланган. Эътиборли жиҳати, 7-ИКҒа келиб тажриба линиялари орасида уруғларни униб чиқиш тезлиги сезиларли даражада ошиб, ушбу кунда униб чиқиш кўрсаткичи 50 % гача бўлган нав ва намуналар сони 134 тани ташкил этган, ушбу кўрсаткич 50 % дан 100 % гача бўлган нав ва намуналар сони 70 донани ҳамда айнан унган донлар миқдори 90 % дан юқори бўлган навлар 9 донани ташкил этганлиги кузатилган. 8-ИКҒа келиб, жами бўлиб 91 та нав ва намуналар паст ҳароратда униб чиқиш кўрсаткичи 50-100 % оралиғида бўлиб, шундан 24 та нав ва намуналар 90 % дан юқори униб чиқишни кўрсаткичига эга бўлганлиги қайд этилган.

Ушбу бобнинг учинчи қисмида паст ҳарорат бўйича лаборатория тадқиқотлари натижаларига кўра танлаб олиниб, табиий шароитда экилиб ўрганилган нав-намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари таҳлиллари ёритилган (1-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотларда нав ва намуналар орасида ўсув даври, ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, 1000 дона дон вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Кузатувлар асосида К-341 (Д-80), К-191 (WAB 880-138-18), С-14 (Мустақиллик х Worin 22-F<sub>8</sub>), С-13 (Лазурний х IR 141-F<sub>8</sub>), К-18 (Д-122), К-87 (Wongrim-43), К-187 (WAB 450 -11-1), К-37 (К-00412), С-16 (УзРос 7-13 х Адмирал-F<sub>7</sub>), С-11 (Аҳмад шоли х IR14632-2-3-F<sub>7</sub>), С-7 (Гулжаҳон х NR-10239-20-2-1-F<sub>7</sub>) каби нав ва намуналар танлаб олиниб, улар келажакда юқори қимматли-хўжалик белгиларига эга, стресс омилларига чидамли янги навлар яратишда бошланғич манба сифатида ишлатилиши қайд этилган.

Ушбу бобнинг тўртинчи қисмида шоли нав ва намуналарининг майсалаш фазасида шўрга чидамлилигини ўрганиш бўйича ўтказилган лаборатория тадқиқотлари таҳлил этилган.

2021-2023 йиллар давомида илмий тадқиқотларда жами бўлиб, 206 та шундан 146 дона шоли коллекцияси нав намуналари ва 60 селекция кўчатзорида етиштирилиб келинаётган F<sub>2</sub>-F<sub>6</sub> авлод ўсимликларида лаборатория тадқиқотлари олиб борилган. Илмий-тадқиқотлар натижаларига кўра, тадқиқ қилинган нав-намуналар орасида 6 донаси ўта чидамли, 35 донаси чидамли, 41 донаси ўртача чидамли, 43 дона нав-намуналар чидамсиз ва 81 дона нав-намуналар эса ўта чидамсиз эканлиги аниқланган.

Ушбу бобнинг бешинчи қисмида лаборатория шароитида майсалаш фазасида шўрга чидамлиликни баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларда яхши натижалар олиниб, танлаб олинган ўта чидамли, чидамли ва ўртача чидамли нав-намуналарнинг, табиий шароитдаги синови натижалари таҳлил қилинган (2-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, эрта вегетатив ривожланиш (майсалаш) босқичида 11 та нав-намуналар (К-85, К-95, К-103, К-104, К-112, К-121, К-137, К-139, К-144, К-146 ва С-4) шўрга чидамсиз бўлганлиги кузатилиб ва рўваклашгача бўлган давр давомида ўсиб-ривожланиб, кейинги ривожланиш босқичларига ўтмаганлиги қайд этилган. Шунингдек, синалган 32 та нав ва

**Шоличилик илмий-тадқиқот институтида лаборатория шароитида паст ҳароратда ва тажриба далаларида ўрганилиб, танлаб олинган нав-намуналарнинг қимматли-хўжалик белгилари**

Т/р	Нав намуна рақами	Нав ва намуна номи	Келиб чиқиши	Ўсув даври, кун	Ўсимлик буйи, см	Маҳсулдор гупланиши	Рўвак узунлиги, см	1000 дон дон вази, г	Ҳосилдорлик, т/га	15°Сда униб чиқиш кўрсаткачи, %
		Искандар (St)	ШИТИ	116-129	124,3±3,5	2,3±1,2	21,0±2,3	33,2±1,9	6,6±0,42	92,0
		Лазурний (St)	ШИТИ	128-132	119,2±4,2	2,5±1,4	24,0±2,2	33,6±2,6	7,5±0,32	12,0
		Гулжаҳон (St)	ШИТИ	105-110	121,4±4,5	2,2±1,0	18,7±2,3	32,0±2,0	6,0±0,29	63,0
1.	С-5	173-90 х 1936-87	ШИТИ	100-105	141,0±4,4	2,3±1,2	20,0±2,3	31,2±2,0	5,8±0,24	87,0
2.	С-7	Wongrim-43	Япония	125-130	140,1±3,8	3,3±0,9	25,5±1,3	29,6±2,7	6,9±0,36	88,0
3.	С-11	WAB 880-138-18	WARDA	130-135	130,0±4,0	2,5±0,8	27,7±1,6	27,2±1,2	7,0±0,20	97,0
4.	С-12	Аҳмад шоли х 33-09	ШИТИ	125-130	138,0±5,2	2,4±1,5	26,0±1,9	29,5±2,5	6,0±0,31	93,0
5.	С-13	Мустақиллик х Worin 22-F <sub>8</sub>	ШИТИ	125-130	135,4±3,6	2,6±1,0	26,0±1,2	30,5±1,6	7,2±0,32	79,0
6.	С-14	Лазурний х IR 141-F <sub>8</sub>	ШИТИ	130-135	134,0±4,0	2,3±1,1	23,6±1,5	30,2±2,2	7,5±0,25	86,0
7.	С-16	Д-122	ШИТИ	135-140	120,0±3,2	2,3±1,4	26,6±0,8	34,5±1,5	7,8±0,35	99,0
8.	С-19	ЎзРос 7-13 х Новатор	ШИТИ	130-135	121,0±3,6	2,4±1,0	21,0±1,9	31,4±2,0	5,7±0,40	76,0
9.	С-22		ШИТИ	125-130	146,0±4,5	2,3±1,9	24,0±1,6	32,5±2,4	6,6±0,22	85,0
10.	К-12	К-001	Россия	115-120	137,0±5,6	2,4±1,2	26,6±1,3	32,1±2,0	6,2±0,19	83,0
11.	К-15	А-М-91-271	Австралия	125-130	125,0±4,8	2,7±1,0	25,6±1,5	31,9±1,7	6,0±0,23	76,0
12.	К-18	WAB 450 -11-1	WARDA	125-130	116,5±3,0	2,8±1,5	24,7±1,5	32,9±2,5	7,9±0,28	74,0
13.	К-37	Аҳмад шоли х IR14632-2-3- F <sub>7</sub>	ШИТИ	125-130	136,8±3,0	2,3±0,8	27,0±1,2	32,6±1,5	8,1±0,21	74,0
14.	К-51	D-4	ШИТИ	125-130	125,0±5,1	2,5±1,6	22,3±1,6	24,0±2,5	6,5±0,30	77,0
15.	К-85	Choggun-323	Хитой	125-130	145,0±4,2	2,8±1,5	27,3±1,5	31,6±2,7	6,3±0,26	84,0
16.	К-87	Гулжаҳон х NR-10239-20-2-2-1-F <sub>7</sub>	ШИТИ	110-120	140,3±3,6	2,7±1,0	20,2±1,4	32,4±2,3	7,8±0,29	95,0
17.	К-95	Marjon	Қозоғистон	110-115	120,0±6,5	2,9±1,5	20,2±1,6	29,2±2,9	6,5±0,14	75,0
18.	К-142	1957-82	ШИТИ	125-130	105,0±4,1	2,4±1,6	27,3±1,9	30,1±2,1	6,2±0,17	98,0
19.	К-155	2203*Лазурний	ШИТИ	110-115	115,0±3,5	3,3±1,2	26,6±1,8	31,6±2,0	5,2±0,33	99,0
20.	К-162	Logeoss-562	Бразилия	125-130	120,0±4,3	2,8±1,2	24,4±1,8	32,0±1,6	6,3±0,24	90,0
21.	К-166	IR-100	IRRI	110-115	106,0±4,7	2,3±1,4	27,6±1,5	30,6±2,0	6,0±0,29	95,0
22.	К-182	WAB 450 IBI 12 BV	WARDA	135-140	120,0±3,3	2,4±1,0	26,0±1,3	32,1±2,1	6,2±0,23	90,0
23.	К-184	WAB 880 YB-13	WARDA	125-130	132,0±4,2	2,3±1,5	28,7±1,8	26,0±2,5	6,0±0,27	89,0
24.	К-187	К-00412	Россия	125-130	157,5±4,5	2,3±1,0	18,7±1,5	36,6±1,1	8,8±0,22	97,0
25.	К-189	WAB 450-11P <sub>4</sub> 878	WARDA	115-120	129,0±3,9	2,7±1,6	25,1±1,5	27,4±2,0	6,4±0,28	98,0
26.	К-191	ЎзРос 7-13 х Адмирал-F <sub>7</sub>	ШИТИ	125-130	126,0±3,9	2,7±0,6	22,5±1,8	29,8±1,8	7,0±0,19	91,0
27.	К-194	IR-36-91-14-1	IRRI	125-130	115,0±5,6	2,5±1,8	29,8±1,5	27,8±2,0	6,5±0,32	90,0
28.	К-341	Д-80	ШИТИ	135-140	147,2±3,5	2,8±0,5	24,6±1,4	27,1±1,0	6,8±0,12	82,0

**Хоразм вилояти Гурлан тумани шўр тупроқларида 2022-2023 йилларда экилиб, синалган ва танлаб олинган навунамуналарнинг қимматли хўжалик белгилари**

Каталог рақами	Нав ва намуналар номи	Келиб чиқиши	Экилган сана	Униб чиқиш	Эрта вегетатив ривожланиш куввати	Гуллашгача бўлган кунлар	Гуллашда шўрга чидамлик, балл	Тўла пишишда шўрга чидамлик, балл	Ўсимлик бўйи, см	Рўвак узунлиги, см	Махсулдор гупланиш, дона	1000 дона дон вази, г	Ҳосилдорлик, т/га
-	Нукус-2 (St)		17-май	27- май	1	98	3	3	87.7±4,4	19,1±1,5	2,4±1,1	29,3±2,6	4.5±0,32
-	Guliston (St)		17-май	27- май	3	103	3	3	81.6±3,7	18,5±2,0	2,8±1,6	28,7±2,1	4.6±0,4
К-84	Trocoi mongella	-	17-май	27- май	3	108	1	1	139.0±6,0	27,3±1,9	2,7±1,3	28,6±2,0	5.4±0,36
К-85	Choggun-323	Хитой	17-май	28- май	7	Рўвакламади	7	9	-	-	-	-	-
К-87	Wongrim-43	Япония	17-май	27- май	5	103	1	1	113.3±3,2	25,5±2,2	2,4±0,8	29,6±2,7	5.6±0,25
К-88	Worin-22	Япония	17-май	27- май	3	110	1	1	120,3±5,1	27,4±2,7	3,0±0,6	31,7±3,0	6.0±0,43
К-90	Owori mokri	Япония	17-май	27- май	3	109	1	1	114.7±4,7	25,6±2,0	3,0±1,0	31,2±2,5	5.6±0,28
К-91	К-1-1	Непал	17-май	27- май	3	108	1	1	134.3±6,2	25,4±1,5	2,9±1,5	30,5±3,0	5.8±0,34
К-95	Маржон	Қозоғистон	17-май	29- май	7	Рўвакламади	7	9	-	-	-	-	-
К-97	Д 222	ШИТИ	17-май	27- май	1	108	1	1	134.0±2,9	23,4±3,1	2,4±0,8	30,5±2,2	5.8±0,15
К-100	139-afgon -1	ШИТИ	17-май	27- май	1	108	1	1	136.3±3,4	24,5±2,0	2,8±1,2	31,6±2,4	6.0±0,19
К-103	-	ШИТИ	17-май	27- май	7	Рўвакламади	7	7	-	-	-	-	-
К-104	5967*Ўзбек-5	ШИТИ	17-май	28- май	7	Рўвакламади	7	9	-	-	-	-	-
К-105	Толмос-1957	ШИТИ	17-май	27- май	5	118	7	7	129.0±4,5	25,6±2,3	2,9±2,3	31±3,2	3.9±0,15
К-106	5967 х Ўзбек-5	ШИТИ	17-май	29- май	3	98	1	1	131,0±5,5	24,4±2,2	2,7±0,9	32,5±2,5	6.5±0,35
К-109	389*ЎЗ/РОС - 7/13	ШИТИ	17-май	27- май	3	100	1	1	156.0±5,3	23,7±2,9	3,0±1,5	33,4±1,5	5.4±0,23
К-112	F-2-Д-3	ШИТИ	17-май	28- май	7	Рўвакламади	7	9	-	-	-	-	-
К-121	696-01	ШИТИ	17-май	28- май	7	Рўвакламади	7	9	-	-	-	-	-
К-124	205-01	ШИТИ	17-май	27- май	3	105	1	1	126.3±4,3	27,2±1,8	3,0±2,0	27±3,6	4.6±0,25
К-128	WAB-450-1-13-462	WARDA, Кот-д'Ивуар	17-май	28- май	3	105	3	3	132.0±3,9	26,4±2,0	2,7±2,4	31,2±2,4	4.7±0,18
К-129	IR 79913-13-20-2	IRRI	17-май	27- май	3	108	1	1	126.7±4,1	24,3±2,3	2,0±0,6	24±3,6	5.5±0,33
К-130	IR 805-088-194-1	IRRI	17-май	27- май	3	110	1	1	130.7±5,5	20,1±3,7	2,8±1,2	28,7±3,0	5.5±0,23
К-132	D-23	Хитой	17-май	27- май	5	110	1	1	122.7±3,8	17,5±4,5	3,1±2,1	30,6±1,6	5.0±0,31

К-135	SUFNIF-26	Покистон	17-май	27- май	3	98	1	1	130.7±4,6	29,6±1,1	2,9±0,7	28,7±2,4	4.9±0,21
К-137	-	Хитой	17-май	28- май	7	Рўвакламади	9	9	-	-	-	-	-
К-139	D 89	-	17-май	28- май	7	Рўвакламади	7	7	-	-	-	-	-
К-142	1957-82	ШИТИ	17-май	27- май	3	108	3	1	137.3±4,0	27,3±2,9	2,4±1,1	32,1±2,2	6.0±0,29
К-143	15-33- Афғон 1	ШИТИ	17-май	29- май	3	112	1	1	114.7±2,9	25,4±2,0	2,7±1,1	28,6±1,6	4.8±0,16
К-144	FONO 274	-	17-май	29- май	7	Рўвакламади	9	9	-	-	-	-	-
К-146	Powonik	Бангладеш	17-май	28- май	7	Рўвакламади	7	9	-	-	-	-	-
С-4	ВИР-7690 x 329-01	ШИТИ	17-май	28- май	7	Рўвакламади	5	9	-	-	-	-	-
С-5	Искандар x IR 17-F <sub>7</sub>	ШИТИ	17-май	27- май	1	108	1	1	130,0±4,5	26,9±1,5	2,9±1,0	32,8±2,8	6.2±0,41
С-8	128-Афғон 2 x Гулистон	ШИТИ	17-май	30- май	5	108	1	1	107.0	25,3±2,2	2,5±0,8	29,2±1,9	5.0±0,14
С-9	Нукус-2 x IR 147-F <sub>7</sub>	ШИТИ	17-май	28- май	3	108	1	1	138,0±8,0	28,3±2,0	2,5±0,5	33,2±2,0	6.2±0,26

намуналар орасидан 11 дона шўрга чидамли нав-намуналар (К-106 (5967xO‘zbek-5), С-9 (Nukus-2 x IR 147-F<sub>7</sub>), С-5 (Iskandar x IR 17-F<sub>7</sub>), К-88 (Worin-22), К-100 (139-Afg‘on -1), К-142 (1957-82), К-91 (К-1-1), К-97 (D 222), К-90 (Owori mokri), К-129 (IR 79913-13-20-2), К-130 (IR 805-088-194-1)) танлаб олинган. Ушбу нав-намуналар табиий шўр шароитда қимматли-хўжалик белгилари бўйича бир-биридан фарқланиши ва бошқа синалган нав-намуналардан устун бўлганлиги аниқланган.

Ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги, маҳсулдор тулланиш, ўсув даври, 1000 дона дон вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичларидаги устунлик ушбу нав-намуналардан селекцион-генетик илмий тадқиқотларда маркёр сифатида фойдаланиш имконини бериши таъкидланган.

Ушбу бобнинг олтинчи қисмида кўллекция кўчатзорида экиб келинаётган барча нав ва намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари таҳлил қилинган.

2023 йилда коллекция кўчатзорига шолида қимматли хўжалик белгиларини Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида баҳолаш ва янги навлар яратиш мақсадида IRRдан нав-намуналар олиб келинган. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, тажриба даласига экилган жами 272 намуналардан 268 тасида рўваклаш жараёни қайд этилган.

Диссертациянинг **“Чатиштириш ишлари, шоли дурагайларида айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги”** деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар давомида олиб борилган чатиштиришлар ва олинган дурагай авлодларида қимматли-хўжалик белгиларининг наслдан наслга ўтиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар ёритилган.

Ушбу бобнинг биринчи қисмида тадқиқот ишлари бошида амалга оширилган чатиштиришлар тўғрисида сўз юритилган. Чатиштиришлардан олинган натижаларга кўра, 22 комбинациядан 137 та дурагай F<sub>1</sub> уруғлари олиниб, умумий чатиштиришларга нисбатан чатишган уруғлар миқдори ўртача 11,0 фоизни ташкил этган.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида униб чиқиш даврида паст ҳароратга чидамликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил қилинган. F<sub>1</sub> авлодида энг юқори униб чиқиш кўрсаткичлари К-12 x К-87 ва К-341 x К-139 комбинацияларида кузатилиб, уларда белгининг ижобий ўта доминантлик асосида ирсийланиши аниқланди. F<sub>2</sub> авлодида юқори кўрсаткичли комбинациялар (К-12 x К-87, К-341 x К-139, Мустақиллик x К-341)да белгининг нисбатан барқарор ирсийланиши ва асосан юқори (81–100%) диапазонда тақсимланиши кузатилди. Шу билан бирга, Лазурний иштирокидаги комбинацияларда паст кўрсаткич ва юқори ўзгарувчанлик сақланиб қолди. F<sub>3</sub> авлодида эса бир қатор комбинацияларда (К-341 x К-139, К-12 x К-87, К-18 x К-139, Мустақиллик x К-341) белгининг янада барқарорлашуви ва юқори даражада намоён бўлиши кузатилди.

Ушбу бобнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида шўрга чидамли шоли нав ва намуналари иштирокида олинган дурагай авлодларда ўсимлик бўйи, рўвак узунлиги ҳамда 1000 дона дон вазни белгилари ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги ўрганилиб, таҳлил қилинган. Ўсимлик бўйи бўйича F<sub>1</sub> авлодида айрим комбинацияларда ижобий ўта доминантлик ва оралик доминантлик

